



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

#### Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларини 2022-2025 йилларда ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларини 2022-2025 йилларда ривожлантириш Стратегияси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари К.Каримов ва қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Адилов зиммасига юклансин.

3. Мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири

“20” 05 2022 йил  
20 5/15 - сон



А.Тошқулов

Қурилиш вазири

“20” 05 2022 йил  
1 - сон



Б.Закиров

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлигининг  
2022 йил “20” май даги  
20.5/15, “1” -сон қарорига  
илова

## Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларини 2022-2025 йилларда ривожлантириш Стратегияси

### 1-боб. Умумий қоидалар

Мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳасини ривожлантириш, соҳа учун зарур юқори малакали ўрта кадрлар тайёрлаш борасида ўтган 5 йил давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармонида мувофиқ Қурилиш вазирлиги тасарруфида қурилиш йўналишида ўрта бўғин кадрлари тайёрлайдиган коллежлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўрта махсус профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5241 қарори асосида коллежлар турдош олий таълим муассасалари ҳузуридаги техникумларга айлантирилди ҳамда ўқувчиларни амалиёт ўташи, келгусида ишга жойлаштириш учун корхона ва ташкилотларга бириктирилди.

Қурилиш соҳаси малака рамакалари, касб стандартлари асосида қурилиш йўналишидаги касб ва мутахассисликларнинг малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Қурилиш соҳасидаги профессионал таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш билан бирга, қурилиш соҳасидаги ишчи касб эгаларининг малакасини ошириш, ички ва ташқи меҳнат бозори учун қисқа муддатли курсларда қурилиш соҳасида зарур кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон қарорига мувофиқ 13 та профессионал таълим муассасаларида Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларни тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Марказларга давлат бюджети ҳисобидан махсус техникалар, замонавий жиҳозлар харид қилинди ҳамда ўқув амалиётлари учун зарур хом ашёлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида мувофиқ, Янги Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат, минтақалар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш

максадида инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилган.

Шу билан бирга, қурилиш тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи тизимли муаммолар, амалий машғулотларни талаб даражасида ташкил этилмаганлиги, ўқув режа ва дастурларида замонавий технологиялар, “Ақлли шаҳар”, “Ақлли уйлар” концепциялари татбиқ қилинмаганлиги, педагогларнинг замонавий техника ва технологиялардан хабардорлигининг пастлиги ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш имконини бермайди.

Юқорида кўрсатилган муаммолар қурилиш тармоғининг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан, Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларини 2022-2025 йилларда ривожлантириш (Коуч усулидаги педагогик кенгаш) Стратегияси таълим муассасаларини электрон таълим тармоғига улаш, ўқитишнинг замонавий ва инновацион услубларини қўллаш, коучинглар ташкил этиш, қисқа муддатли курслар доирасида қурилиш соҳасидаги тор ихтисослик мутахассисларини ўқитишни йўлга қўйиш орқали шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсад ҳамда вазифаларини белгилайди.

## **2-боб. Стратегиянинг мақсад ва вазифалари**

Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларда таълим жараёнини янада ривожлантириш, таълим жараёнига коучларни жалб қилиш ҳамда инновацион ечимларни жорий этишга йўналтирилган ўзгаришларни амалга ошириш Стратегия мақсади ҳисобланади.

Стратегия қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутаяди:

архитектура ва қурилиш соҳасига кадрлар тайёрлаш таълим жараёнини ташкил этишда иш берувчилар таклифларини ҳамда ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишда иш берувчи ташкилотлар талабларини инобатга олиш;

қурилиш соҳасида етук натижаларга этишган ташкилотларнинг тажрибали мутахассисларини таълим жараёнига коуч сифатида жалб қилиш;

таълим муассасаларидаги педагогик кенгашларни ташкил қилишда коуч услублардан фойдаланиш;

қурилиш соҳасига тайёрланаётган кадрлар сифатига алоҳида эътибор қаратиш;

ўқувчилар амалиётини иш берувчи ташкилотларда ташкил қилиш чораларини кўриш;

таълим муассасаларини рақамлаштириш, таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

архитектура ва қурилиш йўналишидаги профессионал таълим муассасалари ҳамда илғор хорижий профессионал таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

### **3-боб. Стратегиянинг асосий йўналишлари**

#### **1. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги профессионал таълим муассасаларига юқори малакали коучларни жалб қилиш:**

профессионал таълим муассасаларида тайёрланадиган қурилиш соҳасидаги ўрта бўғин йўналишлар рўйхати шакллантирилади;

ҳар бир йўналиш бўйича ҳудудларда қурилиш соҳасида юқори натижаларга эришган тажрибали корхоналар рўйхати шакллантирилади;

профессионал таълим муассасалари жойлашув ўрнига қараб қурилиш корхоналарига бириктирилади;

ҳар чоракда бир марта қурилиш корхоналарининг тажрибали муҳандислари, лойиҳалари ва ишчи ходимлари томонидан ўқувчилар учун коуч (семинар-тренинг) ўтказиб борилади;

профессионал таълим муассасаларида махсус электрон платформа яратилади ва керакли жиҳозлар билан жиҳозланади;

платформа архитектура ва қурилиш соҳасидаги касб стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари, ўқитиш материаллари тўпламлари, назорат тестлари ва амалий топшириқлар ҳамда коуч услубидаги махсус видео роликлар билан тўлдириб борилади;

кундузги, кечки, сиртки ва дуал таълимда ўқиётган ўқувчиларни электрон таълим платформасидан соҳага оид электрон адабиётлар ва маълумотлар билан таъминлаш йўлга қўйилади;

таълим жараёнида очиқ таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади;

профессионал таълимнинг барча бўғинларида дастурий таъминотдан эркин фойдаланиш йўлга қўйилади.

#### **2. Архитектура ва қурилиш йўналишидаги профессионал таълим муассасалари ҳамда илғор хорижий профессионал таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш:**

профессионал таълим муассасалари раҳбар, педагог-ходимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг хорижий таълим муассасалари ва қурилиш соҳасида фаолият юритаётган компанияларда стажировкалар ташкил этилиб, малакаси оширилади;

хорижий таълим муассасаларининг тажрибали педагоглари ва мутахассисларини профессионал таълим муассасаларига коуч сифатида жалб қилиб, семинар тренинглар ташкил этилади.



### **3. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги профессионал таълим муассасаларида ўқитишнинг замонавий услубларини қўллаш чоратadbирларини ишлаб чиқиш**

архитектура ва қурилиш соҳасидаги профессионал таълим муассасаларида хорижий тажрибалар асосида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ташкил этилади;

ўз фаолиятида инновацион технологияларни самарали қўллаётган педагоглар танлаб олинади, уларнинг тажрибаси оммалаштирилади ҳамда мунтазам рағбатлантириб борилади;

амалий машғулотларга коучинг ёндашув жорий этилади;

педагогик кенгашларда, ижодий гуруҳларда, лаборатория ва амалий машғулотларда коуч усулидан фойдаланиш йўлга қўйилади;

педагог кадрларни касбий салоҳиятини оширишда коуч услубидаги вебинарлар ташкил этилади;

архитектура ва қурилиш соҳасида замонавий илғор тенденциялар, мамлакатимизда олиб борилаётган соҳага оид ислохотларга жавоб берадиган янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратишга профессионал таълим муассасаларининг салоҳиятли педагоглари жалб этилади.

### **4. Қисқа муддатли курсларда архитектури ва қурилиш соҳасидаги касблар бўйича ўқитишни йўлга қўйиш:**

архитектура ва қурилиш соҳасидаги профессионал таълим муассасаларида соҳанинг касбларини ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилади;

қисқа муддатли курслардаги ўқув жараёнлари профессионал таълим муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан олиб борилади;

қисқа муддатли курслар битирувчиларига давлат намунасидаги идентификацияланган QR-кодли сертификат берилади;

қисқа муддатли курсларда амалий машғулотларни олиб бориш учун соҳанинг малакали мутахассислари (коуч) жалб қилиниши мумкин.

#### **4-боб. Стратегиянинг ривожланиш йўналишлари**

Профессионал таълим муассасаларини модернизациялаш, ўрта бўғин кадрларни тайёрлашда инновациялар ва илғор хорижий тажрибани қўллаш орқали таълим муассасаларида қурилиш соҳасини ривожлантиришга қодир бўлган ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш тизимини барпо қилиш.

Бунда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш мақсадида электрон таълим тармоғини жорий қилиш, таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни коучинг услубини жорий этиш орқали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини замонавий ўқитиш услубларини самарали жорий этишга эришиш.

Коучинг усули қўллаш орқали профессионал таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишини энг юқори

даражада оширишга имкон берадиган ва уларнинг ўзгаришига таъсир қиладиган методологияларни яратиш, тайёрланаётган мутахассисларнинг ғайрат ва ўз касбига садоқатини ошириш орқали истикболда ижобий ўзгаришларни ҳосил қилиш, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйишга ва муаммоларни енгишга кодир мутахассисларни тарбиялаш ҳисобланади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун коучинг услуги орқали қурилиш соҳасида тайёрланаётган мутахассисларга:

аниқ мақсадларни қўйиш ва муаммоларни ўргатиш, мақсад сари ҳаракатни амалга ошириш;

инсон ва жамоа салоҳиятини тўлиқ ошқор қилиш;

коучингдан фойдаланиб, ўз мақсадларига анча самарали ва тезроқ эришиш, ўзларининг ривожланишини танлашда равшанлик ҳосил қилиш кўникмаларини ривожлантириш;

коучингнинг профессионал ёрдами билан мақсадларни мустақил равишда шакллантириш, стратегияларни ишлаб чиқиш ва ўзларининг муваффақиятли иш фаолиятини амалга оширишга эришиш ўргатилади.

Ўтган асрда доимий иш ўринлари, барқарорлик ва келажакни башорат қилиш шароитлари мавжуд бўлган бўлса, биз яшаётган XXI асрда янги технологиялар ва касблар, инкироз ва турли хатарларга тайёр бўлган, келажакка ишонч ва умид билан қарайдиган шахсларни тарбиялаш вазифаси пайдо бўлди.

Коуч усулидаги педагогик кенгаш Стратегиясига асосан:

ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш, малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларида таълимда гуруҳ ривожланиши амалга ошириладиган, ўқувчиларнинг индивидуал ривожланиш дастури мақсадга эришиш қобилиятини энг мақбул, қисқа йўл билан амалга ошириш;

педагог ушбу дастурнинг ҳар бир иштирокчиси билан касбий тайёргарлик (малака ошириш, қайта тайёрлаш) курси давомида ўқувчиларга самарали мулоқот, етакчилик фазилатларини самарали ва мақбул тарзда намоён қилиш ҳамда ўзининг шахсий ресурсларидан янада яхшироқ фойдаланишга ўргатишни йўлга қўйиш;

ушбу стратегияни қўллаш орқали таълимда барқарор бўлиб келган одатий анъаналардан ташқарига чиқиш ва унинг стереотипларини чеклаш, яъни охир-оқибат инсон технологияга ва ўз-ўзини ривожлантиришга ўргатилади.

Мураббийлик муносабатларида ўқувчини қўллаб-қувватлаш унга мустақил равишда ўрганишга, унинг ҳаёти, касби, бизнеси учун долзарб бўлган муаммолари ва вазифалари учун ўз ечимларини қабул қилишга ёрдам беради.

#### **5-боб. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни йўлга қўйиш**

илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали педагоглар салоҳиятини ҳамда тайёрланаётган ўрта бўғин кадрлар сифатини ошириш;

илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ташкил этишда бириктирилган олий таълим муассасалари салоҳиятидан унумли фойдаланиш;  
таълим ва илмий жараёнлар уйғунлигини таъминлаш;

ўқув полигонларидан худудлардаги архитектура ва қурилиш соҳасида муаммоларни ўрганиш ва мақбул ечимлари бўйича илмий ва инновацион ечимларни ишлаб чиқишда фойдаланиш;

илм-фанни иктисодиётнинг асосий драйверига айлантириш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иктидорли ўқувчи ёшларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш;

ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини илмий-тадқиқотларга кенг жалб этиш, иктидорли ёшлар билан индивидуал ишлаш доирасини кенгайтириш;

ўқитувчилари ва ўқувчиларни давлат грантлари танлови талабларига лойиқ фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, шунингдек хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этиш.

### **6-боб. Стратегияни муваффақиятли амалга оширилишида эришиладиган натижалар**

Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларида мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳасида соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ижросини муваффақиятли бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрланади.

Архитектура ва қурилиш соҳасидаги касбий стандартлар асосида малака талаби ва ўқув дастурлари такомиллаштириб борилади.

Архитектура ва қурилиш соҳасида профессионал таълим муассасалари тўлиқ электрон порталга уланади.

Архитектура ва қурилиш соҳасида профессионал таълим муассасаларида ахборот ва коммуникация технологияларини ўзлаштирган педагоглар камида 85-90 фоизга етказилади.

Қоуч усулидаги педагогик кенгаш, лаборатория, амалий машғулотларнинг жорий этилиши натижасида замонавий талабларга жавоб берадиган ўз касбига масъулиятли ва садоқатли мутахассислар заҳираси ярагиб борилади.

Ёшларнинг архитектура ва қурилиш соҳасига қизиқишлари ортиб, таълим олувчилар сони соҳанинг эҳтиёжларига мос ўсиб боради.

Архитектура ва қурилиш соҳасида профессионал таълим муассасалари рейтинги юқори ўринларга кўтарилади.

Архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлашда амалий тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар жалб қилинади.

Архитектура ва қурилиш соҳасидаги профессионал таълим муассасалари педагоглари ва ўқувчи ёшлар турдош олий муассасалари ёрдамида илмий ва инновацион фаолиятга жалб этилиб, тайёрланаётган мутахассислар салоҳияти оширилади.

Архитектура ва қурилиш соҳасидаги касб ва мутахассислар бўйича ўқув методик материаллар замон талаблари асосида такомиллаштириб борилади.